

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУСАМАДОВ ЗАФАРБЕК НУРМАТ ЎҒЛИ

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА АНТРОПОНИМИК
КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ
МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**
**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Абдусаматов Зафарбек Нурмат ўғли

Инглиз ва ўзбек тилларида антропонимик компонентли фразеологик
бирликларнинг миллий-маданий хусусиятлари.....3

Абдусаматов Зафарбек Нурмат угли

Национально-культурные особенности
фразеологических единиц с антропонимическими компонентами в английском
и узбекском языках..... 25

Abdusamadov Zafarbek Nurmat ugli

National and cultural features of phraseological units with an anthroponymic
component in the English and Uzbek languages 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....52

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУСАМАДОВ ЗАФАРБЕК НУРМАТ ЎҒЛИ

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА АНТРОПОНИМИК
КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ
МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.3.PhD/Fil567 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (nuu.md.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маджидова Раъно Уришевна
филология фанлари доктори (DSc), профессор

Расмий оппонентлар:

Джумабаева Жамила Шариповна
филология фанлари доктори, доцент

Эназаров Толиб Джуманазарович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400-уй. Тел.: (99871) 246-08-62; (99871) 227-10-59; факс: (99871) 246-65-24; e-mail: nauka@nuu.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400-уй. Тел: (99871) 246-08-62.

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2022 йил “___” _____ даги №___ рақамли реестр баённомаси).

А.Г.Шереметьева

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, филол.
ф.д., профессор

Н.Э.Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
филол.ф.ф.д (PhD), доцент

И.А.Сиддиқова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
филол.ф.д., профессор

КИРИШ (филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳон тилшунослигида тил ҳодисаларини лингвомаданий феномен сифатида нафақат анъанавий методларга таянган ҳолда, балки замонавий лисон тадқиқи парадигмалари, хусусан, антропологик ва антропоцентрик йўналишларда таҳлил қилиш жиддий илмий ҳамда амалий аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли турли тизимли тилларга мансуб инглиз ва ўзбек тилларида антропонимик компонентли фразеологизмларнинг миллий-маданий хусусиятлари жиҳатидан чоғиштирма таҳлил қилиш инглиз ҳамда ўзбек фразеологик олам манзарасида инсон тавсифи ва номланишининг дунёни англаш ҳамда образли ифодалашда тутган ўрнини аниқлаш имконини беради.

Дунё тилшунослигида лингвист-олимларнинг асосий диққат-эътибори турли лингвомаданият соҳиблари бўлмиш халқларнинг вербал мулоқоти, унда тил воситаларидан фойдаланишдаги ўзига хослик, миллий дунёқараш, маданий қадриятлар каби масалаларга қаратилмоқда. Бундай масалалар қаторида турли тизимли тиллар антропонимик қатламининг лингвомаданий потенциали, айниқса, фразеология фонди кесимида алоҳида эътибор талаб қилади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда “миллий маданиятни янада ривожлантириш, янги Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш, моддий ва номоддий маданий мерос дурдоналарини сақлаш ҳамда тарғиб этиш, халқ оғзаки ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини янада оммалаштириш, юртимизнинг жаҳон маданий маконига фаол интеграциялашувини таъминлаш, маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш”¹га қаратилган тизимли чора-тадбирлар доирасида таълим соҳасида юз бераётган, баркамол, етук, маънавий иммунитетга эга, юксак интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялашга йўналтирилган ислохотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрьдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарор ва фармонлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6000-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/4829149>.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлаштирилган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инглиз тилшунослигида фразеология соҳаси ривожига Л.П.Смит, Г.К.Уитфорд, Р.Дж.Диксон, Ричард А.Спиерс, А.Дж.Уорелл, А.В.Кунин, В.Н.Телия, А.И.Смирницкий, Т.Г.Соломоник, Н.Н.Амосова; ўзбек фразеологияси ривожига эса А.Исаев, Ш.Раҳматуллаев, А.Э.Маматов, Б.Йўлдошев, Р.Д.Жўракулов, М.И.Умарходжаев, У.Рашидова, Э.Х.Жўраев, К.Бозорбоев² ва бошқа хорижий ҳамда маҳаллий олимлар ўз ҳиссасини қўшган.

Антропонимия ва антропоцентрик бирликлар тадқиқи В.В.Анисимова, В.Д.Бондалетов, Н.В.Подольская, Э.Бегматов, Н.Улуков, Ш.Ёкубов, Н.Хусанов, М.Турдибеков, Р.Худойберганов, Д.Худойберганова, Д.Лутфуллаева³ каби олимлар томонидан олиб борилган. Жумладан, ўз изланишларида олимлар антропонимик тизимнинг шаклланиши ва ривожланиши, антропонимларнинг вариантдорлиги, уларнинг терминологик, лексик-семантик ва услубий хусусиятлари, лексикографик масалаларини ечишга ҳаракат қилишган.

² Смит Л.П. Фразеология английского языка. – М.: Дрофа, 1998; Уитфорд Г.К., Диксон Р.Дж. Американские идиомы: англо-русский лексико-фразеологический словарь. – М.: ЗЕСТ, 1994; Richard A. Spears. NTC'S American IDIOMS Dictionary. – National Textbook Company; McGraw-Hill, 2000; Уорелл А.Дж. Английские идиоматические выражения. – М.: Художественная литература, 1999; Кунин А.В. Большой англо-русский фразеологический словарь. 4-е изд., перераб. и доп. – М.: Русский язык, 1984; Телия В.Н. Русская фразеология: Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Языки русской культуры, 1996; Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. – М.: Изд-во МГУ, 1996; Соломоник Т.Г. Словарь современных английских идиом. – СПб: Золотой век, 2003; Амосова Н.Н. Основы английского фразеологии. – М.: Либроком, 2010; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик лугати. – Тошкент: Университет, 1978; Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологияси. – Т., 2019; Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари. Филол. фанл. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1993; Журакулов Р.Д. Фразеология русских переводов узбекских сказок. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Л., 1989; Умарходжаев М.И. Основы фразеографии. – Ташкент: Фан, 1983; Рашидова У. Ўзбек тилидаги соматик ибораларнинг семантикпрагматик таҳлили (кўз, қўл ва юрак компонентли иборалар мисолида). Филол. фан. фалсафа д-ри (PhD) ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2018; Жураев Э.Х. Норма во фразеологии и её кодификация в словарях (на материале немецкого, узбекского и русского языков). Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1991; Бозорбоев К. Ўзбек сўзлашув нутки фразеологизмлари. Филол. фанл. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2000.

³ Анисимова В.В. Развитие русской антропонимики в современном русском языке: на примере личных имён. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2004; Бондалетов В.Д. Русская ономастика. – М.: Просвещение, 1983; Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. – М.: Наука, 1988; Бегматов Э., Улуков Н. Ўзбек ономастикаси. Библиографик кўрсаткич. – Наманган, 2008; Ёкубов Ш. Навоий асарлари ономастикаси. Филол. фанл. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1994; Хусанов Н. XV аср ўзбек ёзма ёдгорликлари тилидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. 1-2-китоблар. – Тошкент: Ёзувчи, 1996-1997; Турдибеков М.Т. Абулғози Баходирхоннинг “Шажарайи турк” асари ономастикаси. Филол. фанл. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2001; Худойберганов Р.Ю. Ўзбек антропонимияси тизимининг вариантдорлиги. Филол. фанл. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008; Худойберганова Д. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013; Лутфуллаева Д. Ассоциатив тилшунослик назарияси. – Тошкент: Меринос, 2017.

Антропонимик компонентли фразеологик бирликларнинг семантик-структур, функционал ва миллий-маданий хусусиятларининг муайян бир тил ёки турли тизимли тиллар материалда таҳлиliga бағишланган тадқиқотлар Н.А.Аблова, О.Н.Васильева, С.В.Гузенко, Л.И.Кучешева, Ю.А.Рылов, Л.К.Свиридова⁴ ва Ўзбекистонда А.Носиров, Р.Маджидова каби олимлар ишларида кузатилади. Бироқ тилшуносликда ҳозирги кунгача инглиз ва ўзбек тилларида антропонимик компонентли фразеологик бирликларнинг изоморфик ҳамда алломорфик ва миллий-маданий хусусиятларининг тадқиқига бағишланган махсус илмий ишлар мавжуд эмас.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий тадқиқот ишлари режасининг “Тилшуносликнинг долзарб муаммолари” банди доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларида антропонимик компонентли фразеологик бирликларнинг ўхшаш ҳамда фарқли томонларини аниқлаш ва миллий-маданий хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тилшуносликда фразеологик бирликларнинг талқин ва тадқиқ этилиши муаммоларини ўрганиш, уларга муносабат билдириш;

инглиз ва ўзбек тиллари фразеологизмлари тизимидаги антропонимик компонентли фразеологик бирликларни таснифлаш ва лингвомаданий таҳлил қилиш мезонларини белгилаш;

чоғиштирилаётган тиллардаги фразеологик бирликларда антропонимик компонентларнинг ифода планини таҳлил қилиш;

инглиз ва ўзбек тилларида антропонимик компонентли фразеологик бирликларни турли мезонлар асосида семантик таснифлаш;

инглиз ва ўзбек тилларида антропонимик компонентли фразеологик бирликларни лингвомаданий ёндашув асосида таҳлил қилиш ва миллий-маданий ўзига хослигини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек тилларида антропонимик компонентли фразеологик бирликлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида инглиз ва ўзбек тилларида антропонимик компонентли фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятлари белгиланган.

⁴ Аблова Н.А. Актуальность изучения имён собственных в лингвокультурологическом аспекте // Интерэкспо Гео-Сибирь, 2014; Васильева О.Н. Ономастическое поле зоонимов с гиперсемой “Свинья”. Дисс. ...канд. филол. наук. – Самара, 2018; Гузенко С.В. Татарская и русская антропонимия Тобольской губернии XVII-XIX вв.: национально-историческая специфика фамильных имён и эволюционные процессы. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тобольск, 2011; Кучешева И.Л. Лексико-семантический анализ имен собственных в составе английских и русских фразеологических единиц: лингвокультурологический подход // Вестник Забайкальского государственного университета, 2008. – № 3; Рылов Ю.А. Имена собственные в европейских языках: романская и русская антропонимика. Курс лекций по межкультурной коммуникации. – М.: Изд-во АСТ, 2006; Свиридова Л.К. Типологические особенности функционирования антропонимов в разноструктурных языках (на материале вьетнамского, русского и английского языков) // Вестник Московского государственного областного университета. Серия: Лингвистика. – Москва, 2017. – № 5.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда лингвистик тавсифлаш методи (инглиз ва ўзбек тилларида антропонимик компонентли фразеологик бирликларни таърифлаш, аниқлаш мезонлари, семантик-структур жиҳатларини тавсифлаш), компонент таҳлил методи (чоғиштирилаётган тилларда антропонимик компонентли фразеологик бирликларни турли мезонлар асосида семантик таснифлаш), чоғиштирама метод (инглиз ва ўзбек тилларида антропонимик компонентли фразеологик бирликларда лингвомаданий нуқтаи назардан ўхшаш ва ўзига хос жиҳатларини аниқлашда), лингвомаданий таҳлил (ўрганилаётган тил бирликларининг миллий-маданий хусусиятларини очиқ беришда), статистик таҳлил (инглиз ва ўзбек тилларида антропонимик компонентли фразеологик бирликларнинг миқдорий-сифат белгиларини асослаш) усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларида антропонимик компонентли фразеологик бирликларни аниқлаш ҳамда лингвомаданий тадқиқ қилиш мезонлари фразеологизмларда антропонимлар иштироки, унинг турлари ва ифодаланиш аспекти, функционал-семантик хусусиятлари, маданий семасига таянган ҳолда далилланган;

чоғиштирилаётган тилларда фразеологик бирликлар таркибидаги инсонларнинг исмлари, яъни антропонимларнинг номинатив ва идентификацион-дифференциал вазифаларига кўра актуал (индивидуал) ҳамда потенциал (синфга, гуруҳга оид) антропонимларга таснифланиши асосланган;

инглиз ва ўзбек тилларида антропонимик компонентли фразеологик бирликларнинг семантик-структур асосида исмнинг қўлланиши ўрганилаётган фразеологизмларга хос умумий жиҳат эканлиги, фамилия, патроним ва лақаблар эса, асосан, инглиз тилининг антропонимик компонентли фразеологик бирликларига характерлилиги исботланган;

инглиз ва ўзбек тилларида антропонимик компонентли фразеологик бирликларда антропонимларнинг фразеологик олам манзарасида тутган ўрни, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий, маиший ва бошқа қадриятларнинг воқеланишидаги роли, шахс номи унинг характерига таъсири асосида миллий-маданий ўзига хослик ҳосил қилиши далилланган;

чоғиштирилаётган тилларда фразеологик бирликларнинг маъно доирасида маданий сема вужудга келиши механизмини таҳлил қилиш орқали фразеологик бирликлар таркибидаги ҳар бир антропоним миллий-маданий код вазифасини бажариши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларида антропонимик компонентли фразеологик бирликларни аниқлаш, гуруҳлаш мезонлари тавсифланди;

чоғиштирилаётган тилларнинг фразеологик бирликларида антропонимик компонентларнинг ифода ва мазмун планларидаги изоморфик ҳамда алломорфик жиҳатлар ёритилди;

инглиз ва ўзбек тилларида антропонимик компонентли фразеологик birlikларнинг семантик таснифий гуруҳлари аниқланди, семантик таснифлаш мезонлари ишлаб чиқилди;

турли тизимли тилларда антропонимик компонентли фразеологик birlikларни ўрганишда лингвомаданий ёндашувни қўллаш асослари очиб берилди;

чоғиштирилаётган тилларда антропонимик компонентли фразеологик birlikларнинг миллий-маданий ўзига хослиги мисоллар билан далилланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган хулосаларнинг назарий асослангани, уларни далилловчи маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, тўпланган материал таҳлилининг илмий ва методологик жиҳатдан далиллангани, назарий хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилингани ва эришилган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти турли тизимли тилларда антропонимик компонентли фразеологик birlikларни аниқлаш мезонларининг ишлаб чиқилгани, ушбу тил birlikларининг семантик-структур таснифлангани, уларни лингвомаданий ёндашув асосида ўрганишнинг асослангани ва чоғиштирилаётган тиллардаги миллий-маданий ўзига хослиги ёритиб берилгани билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация ишида келтирилган назарий хулосалар ва таҳлил қилинган лисоний материалларни турли тизимли тилларда антропонимик компонентли фразеологик birlikларнинг ифода, мазмун ва лингвомаданий жиҳатдан тадқиқ қилишда манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, диссертация материаллари ва хулосаларидан умумий, инглиз ва ўзбек тилшунослиги, лексикология, лексикография, стилистика, матн таҳлили, лингвомаданиятшунослик бўйича маъруза курслари, семинар машғулотларини ишлаб чиқиш ва олиб боришда, диссертация ишлари, монография, дарслик, ўқув қўлланмалар ёзиш, луғатлар тузишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тилларида антропонимик компонентли фразеологик birlikларнинг миллий-маданий хусусиятларини очиб бериш бўйича олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

ўзбек ва инглиз тилларидаги антропонимик компонентли фразеологик birlikларнинг миллий-маданий хусусиятлари мавзусидаги диссертация материаллари ва хулосаларидан Европа иттифоқи томонидан Эрасмус+ дастурининг 561624-EPP-1-2015-UK-EPPKA2-SBHE-SP-ERASMUS+ SBHEIMEP-сонли “Ўзбекистонда олий таълим тизими жараёнларини модернизациялаш ва халқаролаштириш” мавзусидаги лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 15 июндаги 1294/30.02.01-сонли маълумотномаси). Натижада

Ўзбекистонда таржима, унинг тавсифи, хоссаси, ўзига хос хусусиятлари борасида қобилиятини ошириш, таржимавий асарлар туфайли китобхонлар жаҳон адабиёти дурдоналаридан баҳраманд бўлиши, шунингдек, қиёсий адабиётшунослик соҳасидаги билим кўникмаларини шакллантириш ҳамда таълим тизими жараёнини мустаҳкамлаш ва халқаролаштириш мақсадида яратилган қўлланмалар, мақолалар, тезислар ёзишда янги ёндашувлар юзага келганини аниқлаштиришга ёрдам берган;

диссертацияда таҳлилга тортилган антропонимик компонентли фразеологик бирликлардан “ОТ-А1-018 Ўзбек тили ва унинг таржимаси билан боғлиқ электрон ва банк-молия терминларининг кўп тилли луғатларини яратиш” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 16 июндаги 01-1061-сонли маълумотномаси). Натижада инглиз ва ўзбек тилларида учрайдиган антропонимик компонентли фразеологик бирликларнинг таҳлили, уларнинг таржимаси, ўзбек тилида қўлланилиши бўйича келтирилган кўрсатмаларидан терминлар луғатини яратишга ёрдам берган, шунингдек, соҳага оид фразеологик бирликлар сон ва сифат жиҳатдан маълум даражада янгилашганини таъминлашга хизмат қилган;

тадқиқотда чоғиштирилаётган тилларда учрайдиган антропонимик компонентли фразеологик бирликларнинг таҳлили, уларнинг таржимаси, ўзбек тилида қўлланилиши бўйича келтирилган кўрсатмаларидан ва халқнинг миллий-маданий менталитетига таъсир кўрсатишига доир илмий-назарий хулосаларидан “Ўзбекча-инглизча-русча лингвистик терминлар изоҳли луғати”ни тузишда ҳамда “Матн лингвистикаси”, “Когнитив лингвистика” ўқув қўлланмаларини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 2021 йил 22 июндаги 22/504-сонли маълумотномаси). Натижада диссертация материаллари лингвокультурология ва таржимашунослик каби фанлар ўқитилишида ҳамда мазкур амалий лойиҳа бўйича электрон ресурслар, босма дарслик учун манбалар, назарий ҳамда амалий материаллар тайёрлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилишига эришилган;

диссертацияда тақдим этилган антропонимик компонентларни қўллаш борасидаги хулосалардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг фаолиятида бир қатор шоир ва ёзувчиларнинг шеърий ҳамда насрий асарлари таржимасида фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 15 июндаги 01-03/821-сонли маълумотномаси). Натижада жаҳон адабиёти дурдоналарини таржима қилишда антропонимик компонентли фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятларини етказиб бериш муаммоларини ҳал этиш ва таржималарнинг бадий мукаммаллашиши учун хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 5 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 132 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати тавсифланган, ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари, объекти ва предмети очиб берилган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янглиги ва амалий натижалари изоҳланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Антропонимик компонентли фразеологик бирликлар талқини ва уларни тадқиқ қилиш мезонлари”** деб номланувчи биринчи бобида фразеологик бирликларнинг замонавий тилшуносликдаги талқини ва тадқиқи масалалари ёритилган. Фразеологизмлар тизимида антропонимик компонентли бирликларга доир назарий қарашлар таҳлил қилинган. Фразеология, бир томондан, сўз бирикмаларининг таркибий компонентларида семантик ўзгаришлар содир бўлиши, уларнинг семалари уйғунлашиши, жипслашиши натижасида турғунлик касб этишини ўрганувчи тилшунослик бўлими, иккинчи томондан, муайян тилдаги фразеологизмлар мажмуи, яъни тилнинг фразеологик таркиби⁵ сифатида тавсифланади. Тилшунослик соҳасида фразеологизм термини билан бир қаторда унга синоним тариқасида *фразеологик бирлик, ибора, фразеома, идиома, идиоматик бирлик, клише, коллакация* каби терминлар ишлатилади. Шунга кўра, фразеологик бирликларнинг таърифи ҳам турлича талқин қилинади. Жумладан, Б.Йўлдошев “Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти” номли асарида фразема, фразеологик бирлик ёки ибора тушунчасини “тузилиши жиҳатидан сўз бирикмаси ёки гапга тенг, умумлашган маъно англатувчи, компонентлари қисман ёки тўлалигича кўчма маъно ифодаловчи турғун лексик-семантик бирликлар тушунилади”⁶, дея таърифлайди.

Қайд этиб ўтилган терминларнинг барчасини ҳам абсолют синонимлар сифатида ишлатиб бўлмайди. Фикримизча, *фразеологик бирлик, фразема* ва *фразеологизм* тушунчалари абсолют синонимлар сифатида қўлланилиши

⁵ Лингвистический энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1990. – С. 560-561.

⁶ Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти (монография) (тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашри). – Самарқанд: СамДУ нашри, 2013. – Б. 7-8.

мумкин. Рус тилида *фразеологический* сифатидан тил унсурлари номини ясовчи *-изм* суффикси ёрдамида ҳосил қилинган *фразеологизм* термини *архаизм, диалектизм, вульгаризм* ва бошқа терминлар каби тил элементларидан бирининг номи сифатида қўлланилиши ҳамда айнан “икки ёки ундан ортиқ сўздан ташкил топган, маъновий жиҳатдан ўзаро боғлиқ сўз бирикмаси ёки гапга тенг келадиган, яхлитлигича кўчма маънода қўлланадиган ва бўлинмайдиган, барқарор (турғун) боғланмаларнинг умумий номи” деб талқин қилиниши ўринли.

Фразеологик бирлик термини *фонетик бирлик, лексик бирлик, морфологик бирлик, синтактик бирлик, услубий (стилистик) бирлик* каби терминлар моделида ясалган бўлиб, тил сатҳлари бирликлари тизимида лексик сатҳнинг таркибий қатлами ҳисобланмиш фразеологик сатҳга тегишли бирликларни англатади. *Фразема* термини эса фразеологик сатҳ бирлигининг махсус номи бўлиб, *-ема* термин ясовчи элемент ёрдамида ҳосил қилинган *фонема, лексема, морфема, синтактема, стилема* терминлари қаторидан ўрин эгаллайди. Терминлар ўзаро фарқли тушунчаларни ифодалайди. *Идиома* ва *коллокация* – фразеологик бирлик типларининг номлари бўлса, *клише* термини билан тилшуносликда нафақат фразеологик бирликлар, балки умуман шаблон иборалар, нутқий штамп ва стереотиплар (паремия, афоризм, иқтибос ва ҳ.к.) тушунчалари ифодаланadi.

Фразеологизмлар бошқа клишеланган тил бирликларидан турғун ибора эканлиги ва лексик таркибида маъно кўчиши билан бир қаторда қуйидаги асосий белгилари билан фарқ қилади [қаранг: 1.1-чизма]. Таъкидлаш жоизки, ушбу тил бирликлари ўта эмоционаллик ва образлилиги билан ҳам ажралиб туради. 1.1-чизмада келтирилган фразеологизмларнинг асосий белгиларидан кўриниб турганидек, ушбу тил бирликлари ўз маъновий ва функционал жиҳатлари билан сўзларга тенглаштирилиши мумкин, чунки фразеологизмлар худди сўзлар каби битта тушунчани англатиб келади ва гапда нарса-буюм ҳамда унинг белгиси, ҳаракат ёки ҳаракатнинг ҳолатини, миқдори ва модаллигини ифодалайди. Фразеологизмларнинг ушбу жиҳатлари тадқиқотимиз объекти бўлмиш антропонимик компонентли фразеологик бирликларда ҳам намоён бўлади.

Бевосита инсонларнинг номларини англатувчи **антропонимлар** антропонимияда ўрганилади ва ономастика фанида алоҳида аҳамиятга эга қатлам ҳисобланади. Антропонимлар атоқли отлар – *онимлар* категориясига киради, шу боис антропонимик фразеологизмлар лингвистик адабиётларда *онимик сўз бирикмалари*⁷ деб ҳам аталади. Бунда оним тушунчаси антропоним тушунчаси билан омонимик муносабатга киришиши сабабли антропонимик фразеологизмларнинг онимик сўз бирикмалари деб номланиши, бизнингча, тўғри эмас. Бу ўринда онимик сўз бирикмалари антропонимик фразеологизмлардан кенгроқ тушунчани ифодалашини ва ўз ичига антропонимлардан ташқари топоним, теоним, зооним, космоним,

⁷ Посовень А.Н., Фирсова Е.В. Прагматический потенциал антропонимов в немецких фразеологических единицах // Евразийский Союз Ученых, 2015. – № 2-3 (11). – С. 86.

астроним каби бошқа атоқли отларни ҳам олишини алоҳида таъкидлаш мумкин. Хусусан, ўзбек ономастик бирликлари кўлами бўйича махсус тадқиқот олиб борган Я.Авлякулов ономастик бирликлар таркибига 30 дан ортиқ гуруҳларни қамраб олишини кўрсатиб ўтган. Бизнингча, ушбу қаторга лақаб ва тахаллусларни ҳам киритиш лозим.

1.1-чизма



И.А.Королева асосий антропонимик категориялар сифатида исм, ота исми ва фамилияни санаб ўтади⁸. Чунки шахс номи нафақат унинг исми, фамилияси ва ота исми билан, балки унга қўйилган лақаби, тахаллуси билан ҳам ифодаланиши мумкин. Лақаб ва тахаллуслар айнан исм, фамилия ва ота исми бажарадиган вазифаларни ифодалайди. Чунончи, лақаб кишига ён-атрофидаги одамлар томонидан унинг маълум бир характерли белгиси, ҳаётини шароит ёки вазияти, бирон-бир кимса, нарса ёхуд ҳодисага ўхшашлиги бўйича қўйилади. Лақаб кишига ён-атрофидаги одамлар томонидан берилса, тахаллус ўз-ўзига қўйилган, яъни кишининг ўз ихтиёри билан танланган исмидир. Лақабдан тахаллуснинг фарқи шундаки, лақаб кишига жамият аъзоларининг муносабатини, кишига бериладиган баҳони ўзида мужассам этади. Тахаллусда эса кишининг ўзига ўзи берадиган баҳо, ўзи танлаган образ воқеланади.

⁸ Королева И.А. Становление русской антропонимической системы. Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – М., 2000. – С. 3.

Тахаллус ҳам атропонимларнинг бир тури ҳисобланади. Кишининг атоқли исмидан фарқли ўлароқ, лақабда унинг ташувчиси ҳақида жуда кўп маълумот мужассамлашган бўлади. Жумладан, Н.А.Загрядская таъкидлаганидек, “тахаллусларнинг асосий вазифаси – бу нафақат одамни номлаш истаги, балки номинацияда унинг индивидуал хусусиятларини таъкидлаш ва муҳрлаш истаги, шу билан бирга, номинация муаллифининг унга нисбатан муносабатини билдиради”⁹. Шу сабабли, фикримизча, лақаб қўйиш санъати исм қўйиш маҳоратидан устундир.

Антропонимлар кишининг якка (индивидуал) – бир шахсга хос ва турдош (кўп шахсга хос) атоқли номларига бўлинади. Индивидуал антропонимлар бир шахс номидир, масалан, ингл.: *William Shakespeare, Vandyke, Homer, Cain, Adam, Eve, Solomon, Elizabeth I, Marilyn Monroe, Elvis Presley*; ўзб.: *Амир Темур, Шавкат Мирзиёев, Эркин Воҳидов, Шавкат Раҳматуллаев, Абдулла Орипов, Юнус Ражабий, Шароф Рашидов ва бошқ.* Гуруҳга оид антропонимлар бир гуруҳ тоифасидаги кишиларнинг атоқли номларини билдиради, масалан, жинси аёл, миллати инглиз ёки ўзбек бўлган кимса инглиз тилида *Tom, Dick, John, Jack, Jill* исмлари, ўзбек тилида эса *Феруза, Дилбар, Наргиза* каби исмлар билан ифодаланиб келиши мумкин, лекин айнан ким эканлиги контекстдагина англашилади. Кўринадики, антропоним турдош контекстда ойдинлашса ёки аниқ бир шахс номи билан боғланса, бу антропоним якка антропонимлар турига ўтади”¹⁰.

Антропонимларнинг кўрсатилган бундай турига мувофиқлашишни С.Н.Смольников аниқ одамларнинг исмини кўрсатмайдиган атоқли исмлар ҳам мавжудлиги билан асослайди. Унинг таъкидича, Н.А.Петровскийнинг “Словарь русских личных имен” (“Русча шахсий исмлар луғати”) китоби 3 мингдан ортиқ антропонимларни ўз ичига олади ва уларнинг ҳеч бири ҳеч кимни аниқ номламайди, яъни атоқли исмга хос бўлган номинатив ва идентификацион-дифференциал функцияларни бажармайди. Ушбу сўзларнинг асосий мақсади шахснинг конкрет-референт номинациясига ярайдиган потенциал антропонимлар бўлиб хизмат қилиш бўлиб, уларни оним деб ҳисоблаб бўлмайди¹¹. Бу ўринда шуни қайд этиш мумкинки, С.Н.Смольников томонидан илгари сурилган потенциал антропонимлар тушунчаси юқорида сўз юритилган турдош антропонимлар тушунчаси билан айнан бир хил бўлиб, ушбу потенциал антропоним муайян шахснинг конкрет-референт номинацияси вазифасини бажариб келса, индивидуал антропоним тоифасига ўтади. Бу вазиятда, С.Н.Смольников таъбири билан айтганда, актуал антропоним¹² юзага келади. Демак, номинатив ва идентификацион-дифференциал функцияларни бажарувчи индивидуал

⁹ Загрядская Н.А. Личностные фразеологизмы и их место в английской фразеологии. Дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2003. – 145 с. // <http://www.dslib.net/germanskie-jazyki/lichnostnye-frazeologizmy-i-ih-mesto-v-anglijskoj-frazeologii.html#4204314>.

¹⁰ Посовень А.Н., Фирсова Е.В. Кўрсатилган асар. – С. 85-87.

¹¹ Смольников Н.С. Актуальная и потенциальная русская антропонимия // Вопросы ономастики, 2005. – № 2. – С. 24.

¹² Смольников Н.С. Кўрсатилган асар. – С. 8.

антропонимларни актуал антропонимлар деб ҳисобласа бўлади, акс ҳолда бу потенциал, яъни кўплик, гуруҳга оид антропонимлардир.

Антропонимик компонентли фразеологик бирликлар (АКФБ)ни таҳлил қилишда ҳам онимларнинг шу хусусиятларини эътиборга олиш зарурдир. Антропонимик компонентли фразеологик бирликларнинг турдош тадқиқида, умуман, онимларни таҳлил қилиш методларини, шунингдек, тилшуносликнинг замонавий йўналишларида фойдаланиладиган методларни ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ. Хусусан, АКФБлар тадқиқида когнитив тилшунослик, прагмалингвистика, социоллингвистика ва лингвомаданиятшунослик нуқтаи назаридан ёндашиш ушбу бирликларнинг инсон онгида акс этиши мулоқот жараёнида коммуникация таскоммуникатив таъсири, фразеологизм таркибидаги антропонимларда муҳрланган миллий-маданий хусусиятларнинг ижтимоий омиллар сифатидаги ролини чуқурроқ ёритиш имконини беради.

Инглиз ва ўзбек тилларида ўрганилаётган фразеологик бирликларнинг лингвомаданий аспектдаги тадқиқи уларнинг таркибида кишининг атоқли номи иштирок этиши; кишининг атоқли номи исм, фамилияси, лақаби, тахаллуси, ота исми (патроним) билан ифодаланиб келиши; улар фразеологик бирлик контекстида муайян бир шахс, кимсани ёхуд маълум бир исм ташувчилари синфини англатиши; маълум бир исм ташувчилари синфини номлаб келувчи антропоним умумлаштирувчи маънога эга бўлиши; кишининг атоқли номлари ўзининг асосий номлаш вазифасидан ташқари бошқа вазифаларни ҳам бажариши; ушбу вазифалар фразеологизмнинг ифода ва мазмун планлари билан чамбарчас боғлиқлиги; антропонимик компонентли фразеологик бирликларнинг миллий-маданий жиҳати улар таркибидаги кишининг атоқли номида мужассамлашган лингвокультурологик хусусиятлар билан белгиланиши каби таҳлил мезонларига таянган ҳолда амалга оширилади.

Диссертациянинг **“Инглиз ва ўзбек тилларида антропонимик компонентли фразеологик бирликларнинг семантик-структур таҳлили”** деб номланувчи иккинчи бобида чоғиштирилаётган тилларда фразеологик бирликлар таркибидаги антропонимларнинг ифодаланиш аспекти тавсифланган, фразеологизмларда антропонимик компонентларнинг семантик хусусиятлари турли мезонлар асосида таҳлил қилинган.

Инглиз ва ўзбек тилларида антропонимик компонентли фразеологик бирликларнинг семантик-структур таҳлилини амалга ошириш мақсадида биз қуйидаги жадвалда берилган луғатлардан фойдаландик. Қиёсий таҳлилларимиз қуйидаги натижаларни кўрсатди [1.1-жадвал].

**Инглиз ва ўзбек тиллари луғатларида антропонимик компонентли
фразеологизмлар**

№	Инглиз тилидаги манбалар	Фразеологизмларнинг умумий сони	Антропонимик компонентли фразеологизмлар сони	Ўзбек тилидаги манбалар	Фразеологизмларнинг умумий сони	Антропонимик компонентли фразеологизмлар сони
1	Cambridge Dictionary of American idioms	1100	109	Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати	800	26
2	Collins Cobuilt Dictionary of Idioms	1200	93	Ўзбек тилининг фразеологик луғати	900	24
3	Словарь современных английских идиом	1000	69	Ўзбек тили изоҳли луғати	700	12
	ЖАМИ	3300	271	ЖАМИ	2400	62

Жадвалдан кўриниб турганидек, инглиз тилининг фразеологик луғатларида таркибида кишининг атоқли номи бўлган фразеологик бирликлар жами 271 та, ўзбек тилидаги луғатларда эса антропонимик таркибли фразеологизмлар жами 62 та. Шунинг учун ҳар икки тилдаги АКФларни 100 % нисбатда олиб, қиёсий таҳлилни шу фоиз ҳисобида амалга оширдик. Улар ўз ичига *Adam, Eve, Robin, Jack, Jill, Alfred, Anne, Annie, Philip, Edna, Jane, Sally, Teddy, Vandyke, Ben, Bertha, Betty, Billy, Nancy, Tom, Cain, Jim* каби антропонимларни олган. Масалан: *Son of Adam* (“Одам атонинг ўғли” – эркак киши); *The daughter of Eve/Eve’s daughter* (“Момо ҳавонинг қизи” – аёл, гўзал хилқат).

Ўзбек тилининг изоҳли ва фразеологик луғатларида таркибида кишининг атоқли номи бўлган фразеологик бирликлар жами 62 та бўлиб, таҳлилимизда улар 100 %ни ташкил қилади. Бундай фразеологик бирликларнинг антропонимик компоненти сифатида *Хизр, Али, Бали, Исо, Хўжа, Мусо, Одам ато, Дақёнус, Оппоқхўжа, Надирмат, Саттор* каби кишининг атоқли номлари қўлланилади. Масалан: “*Али*” деса (...), “*Бали*” демоқ; *Дақёнусдан бери; Одам атодан қолган; Мусонинг аламини Исодан олмоқ; Оппоқхўжам урсин; Тата-тат, уста Надирмат.*

Исм, фамилия ва лақаблардан ташқари инглиз тилида *The cask of Danaides* (“Данаидлар бочкаси” – 1) мечкай; 2) кўп пул ейдиган иш) фразеологик бирлигида *Danaides* патроними (ота исми) келиши ҳам аён бўлди. Бундай ҳолат ўзбек тилининг фразеологик бирликларига хос эмас.

Шундай қилиб, инглиз ва ўзбек тилларида антропонимик компонентли фразеологик бирликларнинг ҳосил бўлишида исм қўлланиши чоғиштирилаётган тиллар фразеологизмларига хос умумий жиҳатдир.

Антропоним сифатида фамилия, патроним ва лақабнинг келиши, асосан, инглиз тили антропонимик компонентли фразеологик бирликларига тааллуқлидир.

Таъкидлаш жоизки, ҳар иккала тилда ўрганилаётган фразеологизмларнинг таркибида тахаллуслар учрамайди. Назаримизда, бунга сабаб деярли барча тилларда антропонимик тизим, хусусан, фамилиялар институти шаклланишининг дастлабки босқичларида тахаллус шахсий исм вазифасини бажариб келгани, умуман олганда, тахаллус, одатда, исмдан фарқли ўлароқ, ташувчилар истаган эмас, балки уларнинг ҳақиқий хусусиятлари ва фазилатларини, келиб чиқишини ва бошқаларни акс эттириши, шу билан бирга, бу хусусият ва фазилатларнинг бошқалар учун ўзига хос маъносини англатиши, тахаллуслар ҳаётнинг турли даврларида берилгани ва кўп ҳолларда чекланган доирадаги одамларга маълум бўлишидир¹³.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги кишининг атоқли номларидан ясалган фразеологизмларни таркибидаги асосий компонент сўзнинг морфологик белгиларига кўра тўрта турга бўлиш мумкин:

1. Антропонимик компонентли субстантив фразеологизмлар. Масалан, ингл.: *Smart Aleck* (ўзига ишонган сурбет, безбет); *Royal Alfred* (бисот, лаш-луш, майда-чуйда); ўзб.: *Тата-тат, уста Надирмат* (беҳуда, натижасиз шовқин-сурон, куруқ гап-сўз).

2. Антропонимик компонентли сифат фразеологизмлар. Масалан, ингл.: *(as) old as Adam* (қадимий, қадимги); *Drunk as Chloe* (ғирт маст, ўлгудай маст); ўзб.: *Алихўжа – Хўжаали* (бари бир, ҳар икки ҳолатда ҳам ўзгариш йўқ); *Одам атодан қолган* (жуда эски, қадимги); *Хизр назар қилган* (бошқаларникидан кўра ҳуқуқи ортиқ, ўзи учун имтиёз талаб қилишга ҳақли).

3. Антропонимик компонентли феъл фразеологизмлар. Масалан, ингл.: *Not to know smb. from Adam* (оғзаки нутқда. Кимнидир шахсан танимаслик, кимдир ҳақида заррача тасаввурга эга бўлмаслик); *Astonish the Browns* (жамоат фикрига эътироз билдирмоқ); ўзб.: *“Али” деса, “Бали” демоқ* (айтишмоқ, эътироз жавобини бермоқ); *Мусонинг аламини Исодан олмоқ* (айбдор четда қолиб, айбсиз кишига қарши иш тутмоқ); *Оппоқхўжам урсин* (пирини ўртага қўйиб, қасам ичишни билдиради); *Хизрни йўқласа(м) бўлар экан* (кимнидир кўриш истаги кўккисдан рўёбга чиққанда айтиладиган ибора).

4. Антропонимик компонентли равиш фразеологизмлар. Масалан, ингл.: *According to Hoyle* (“Хойлга кўра” – барча қоидаларга бўйсунган ҳолда, тўғри); *On one’s Jack* (ёлғиз, якка ўзи, ёлғизликда); ўзб.: *Ўламан Самтор* (асло, мутлақо (қатъиян рад этишни билдиради)); *Дақёнусдан бери* (жуда қадимдан).

Инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологик бирликлар антропонимик компонентларининг семантик таҳлилининг натижасига кўра, ушбу ўрганилаётган фразеологизмлар таркибидаги кишиларнинг атоқли номларини антропонимларнинг мазмун плани жиҳатидан турли типларга

¹³ <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9F%D1%80%D0%BE%D0%B7%D0%B2%D0%B8%D1%89%D0%B5>

ажратиш мумкинлиги аниқланди. Фразеологик бирликларда антропонимик компонентларнинг семантик хусусиятлари қуйидаги мезонлар асосида таҳлил қилинди.

Антропоним маълум бир шахс ҳақида умумий, яхлит тасаввур беришига кўра. Б.Йўлдошев ўзининг “Ўзбек ономастикаси масалалари” асарида атоқли отларнинг икки гуруҳга бўлинишини қайд этади: а) мужассамланувчи атоқли отлар; б) мужассамланмовчи атоқли отлар¹⁴. Мужассамланувчи ҳамда мужассамланмовчи атоқли отлар инглиз ва ўзбек тилларида антропонимик компонентли фразеологик бирликлар таркибидан ҳам ўрин эгаллаганига гувоҳ бўлдик. Масалан, инглиз тилида антропонимик компонентли фразеологизмларда *Adam, Eve, Cain, Solomon, Pandora, Balaam, Jim Crow, Ulysses, Lucullus* каби **мужассамланувчи кишиларнинг атоқли номлари**, яъни антропонимлар қўлланилади: *The daughter of Eve/Eve’s daughter* (“Момо ҳавонинг қизи” – аёл, гўзал хилқат); *Solomon’s wisdom* (Сулаймоннинг донолиги); *A Jim Crow car* (американча. Қора танлилар учун махсус вагон); Ўзбек тилида антропонимик компонентли фразеологизмларда мужассамланувчи антропонимлар сирасига *Одам ато, Мусо, Исо, Хизр, Дақёнус* кишиларнинг атоқли номларини киритиш мумкин: *Дақёнусдан бери; Дақёнусдан қолган; Одам атодан қолган; Мусонинг аламини Исодан олмоқ; Хизр назар қилган; Хизрни йўқласа(м) бўлар экан.*

Мужассамланмовчи кишиларнинг атоқли номларига кўра. Бу ҳодиса инглиз тилида антропонимик компонентли фразеологизмларда кенг ишлатилади. Хусусан, бундай тоифадаги кишиларнинг атоқли номлари сирасига *Edna, Sally, Betty, Jack, John, Freddy, Harry, Jimmy* каби антропонимлар киради, масалан: *Aunt Sally* (“Салли хола” – 1) миллий ўйин номи; 2) хужум, таъна, маломат нишони); *Climb like a steeple Jack* (мутахассисдек баланд жойларга тирмашиб чиқмоқ); *John Collins* (“Джон Коллинз” – содали сув, чигит, шакар, лимон шарбати ва муздан тайёрланган ичимлик). Ўзбек тилида антропонимик компонентли фразеологизмларда *Али, Бали, Оппоқхўжа, Надирмат, Саттор* каби антропонимлар мужассамланмовчи атоқли отлар вазифасини бажаради, масалан: “*Али*” *деса (...), “Бали” демоқ; Оппоқхўжам урсин; Тата-тат, уста Надирмат; Ўламан Саттор.*

Антропоним маъноси аниқ, маълум / ноаниқ, ўчганлигига кўра. Инглиз ва ўзбек тилларида антропонимик компонентли фразеологизмларда қўлланиладиган кишиларнинг атоқли номларининг маъноси ҳозирги замон адабий тил соҳиблари англашига осон, аниқ бўлиши ёхуд бугунги кунга келиб анча хиралашган, ноаниқ, тил соҳибларига номаълум бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан чоғиштирилаётган тилларда антропонимик компонентли фразеологизмлардаги кишиларнинг атоқли номлари қуйидагича таснифланади: 1) маъноси аниқ, юзада, англаш осон бўлган антропонимлар: ингл.: *Achilles, Jesus, Christ, Cordelia, Herod, Job, Cain, Solomon, Pandora, Balaam, Jim Crow, Ulysses, Brown*; ўзб.: *Хизр, Одам ато, Дақёнус, Мусо, Исо;*

¹⁴ Йўлдошев Б. Ўзбек ономастикаси масалалари. – Самарқанд, 2011. – Б. 13-14.

2) маъноси ҳозирда хиралашган, ноаниқ антропонимлар: ингл.: *Anne, Nancy, Cassandra, Jerry, Susan, Stephen, David, Sam, Sally*; ўзб.: *Али, Бали, Оппоқхўжа, Надирмат, Самтор*.

Антропонимнинг функционал вазифасига кўра. Ўз функционал вазифасига кўра антропонимик компонентли фразеологик бирликларда келган кишиларнинг атоқли номларининг бирламчи функцияси предметларни номлаш бўлса-да, улар фразеологизмлар контекстида бир қанча вазифаларни бажариб келадики, бу вазифалар асосида уларни қуйидаги турларга ажратишни лозим топдик: **1) антропоним-бағишловлар:** ингл.: *Achilles* (ю. Ахиллеус исмидан олинган, аммо маъноси аниқ эмас, “оғриқ” ёки Ахелос дарёси номига қўйилган); *Martin* (рим мифологиясида Марс уруш Худоси бўлган, юнон Худоси Аресга тенглаштирилади ҳамда тўртинчи Сайёра номи); ўзб.: *Хизр* (а. Хидир, Хизир – Хизр (а.с.)га нисбатан берилган. “Яшил” рангли, Хизр – абадий тириклик, барҳаётлик, омадлилик тимсоли. Ривоятга кўра, ҳаёт суви булоғини топиб ичган афсонавий пайғамбарнинг номи. Шунинг учун доимо барҳаёт дейилади. У йўлдан адашганларга, ошиқларга йўл кўрсатувчи раҳнамо ҳисобланади. Хидирнинг пок, покиза, пардали (ниқобли) маънолари ҳам бор); **2) антропоним-изоҳлар:** ингл.: *Christ* (*Christos* исмининг замонавий шакли. “Муқаддас ёғ сурилган – подшоликка кўтарилган шахс” маъносини билдиради, юнон тилида сўзлашган биринчи христианлар Исо Масихга шундай ном қўйганлар); *Cordelia* (XII асрда нутққа кирган, Қирол Лирнинг уч қизидан энг кичиги ва отасига содиқ қолган ягона фарзанди); *Man Friday* (“Жумавой” – итоаткор, содиқ хизматкор); ўзб.: *Исо* (Аллоҳнинг туҳфаси, эҳсон; лутфу карами; Аллоҳнинг кўмаги ёки яқини. Исо – қад. ях. *Jehogua*, Иисус (Христос) номининг арабча шаклидир); *Мусо* (қад. ях. яхудийлар пайғамбари Моисей номидан олинган бўлиб, маъноси турлича изоҳланади: 1) қадимий мисрча: бола, чақалоқ; 2) қад. ях.: сувдан тортиб, чиқариб олинган; 3) ар.: устара, пок. Шакллари: Мусобек, Мусобой, Мусожон, Мусохон); *Одам* (а.< қад. ях. киши, инсон, ҳақиқий инсон; асли: ер, қизил тупроқ, яъни буғдой ранг, қорачадан келган одам. Шакллари: Одамбек, Одамбой); *Оппоқхўжа* (ўз.-ф. Хўжалар наслига мансуб мўътабар, муқаддас бола); **3) антропоним-тилаклар:** ингл.: *Peter* (ю. “Петрос” – “тош” маъносини билдиради. Кўпинча биринчи папа деб ҳисобланадиган апостол Симонга Исо алайҳиссаломдан берилган ном); *Robin* (Роберт исмининг қисқарган шакли, “ёрқин шараф, шон-шуҳрат” маъносида); *Roger* (“машҳур найза” маъносини билдиради); ўзб.: *Надирмат* (а. Нодирмуҳаммад – қимматли, тенгсиз ўғил, Муҳаммад (с.а.в.) ўз ҳимоясига олган бола; *Самтор* (а. кечирувчи, авф этувчи. Бу ном Аллоҳи таолонинг сифатларидан биридир. Асли: Абдусаттор).

Антропонимларнинг келиб чиқиш манбасига кўра. Инглиз ва ўзбек тилларидаги антропонимик компонентли фразеологик бирликларда қўлланиладиган кишиларнинг атоқли номларини ўз келиб чиқиш манбаи нуқтаи назаридан таҳлил қилганимизда уларни қуйидагича таснифлаш мумкинлиги аён бўлди: мифологик антропонимлар: *Achilles' heel*;

Procrustean bed; Bend the bow of Ulysses; Pandora's box; The cask of Danaides; Penelope's web; диний антропонимлар: Son of Adam; The old Adam; Balaam's ass; David and Jonathan; By George!; By Jesus!/Jesus wept!/Jumping Jesus; Solomon's wisdom; The Song of Solomon; тарихий антропонимлар: The Admirable Crichton; St. Vitus's dance; Even blind Freddy could/would see it/even blind Freddy wouldn't miss it; Old Hickory; According to Hoyle; Jack Ketch; Jack the Ripper; John Doe and Richard Roe; Jim Crow; Jump Jim Crow; бадий антропонимлар: Barkis is willin'; A Daniel come to judgement; Darby and Joan; Father Knickerbocker; A Barmecide feast; Cordelia's gift; Hamlet with Hamlet left out/Hamlet without the Prince of Denmark; Out-Herod Herod; Jack and Gill/Jill; All shall be well, Jack shall have Jill; Jack Horner; Jack Sprat; Dr. Jekyll and Mr. Hyde; Joe Miller; John Barleycorn; John Bull; Keep up with Joneses; маиший антропонимлар: The Scavenger's daughter; Let her go, Gallagher!; The Duke of Exeter's daughter; Tom Tiddler's ground; Jack Johnson; Union Jack; John Hancock/John Henry; A Jim Crow car.

